

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги қошидаги
Ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл
транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
Марказининг малака ошириш ўкув курслари бўйича
5-сонли ШАРТНОМА

Тошкент ш.

2022 йил «04» 01

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги қошидаги Ўзининг темир йўлларга эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш Маркази Уставига мувофиқ директор в.б. Норкулов Сухроб Туракулович (бундан бўён матнда “Марказ” деб аталади) бир томондан “Ижрочи” деб номланган ~~“Марказ - сийахија ёф, балоба туб рашенини турлиларие чиноб чигаровсан бўйича фуректор РТ. Закарбеков~~ ва унинг Устави асосида фаолият юритувчи ~~дан 14 од. отдане 10/2022-юр шонинчо~~ бундан бўён матнда “Буюртмачи” деб аталади) иккинчи томондан “Буюртмачи” деб номланувчи билан, куйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

1. Шартнома предмети

- 1.1. “Ижрочи” томонидан 2022 йилларда “Буюртмачи”нинг темир йўл транспорти ходимларини малакасини ошириш бўйича ўкув курсининг босқичма-босқич иловага мувофиқ бажарилишидан иборат.
- 1.2. “Ижрочи” амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимларини ёки жисмоний шахсларнинг малакасини шириш бўйича ўкув курсини ташкил этади.
- 1.3. “Ижрочи” “Буюртмачи” га мазкур шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган йўналишлар бўйича малака ошириш таълими хизматини кўрсатади.
- 1.4. Малака ошириш муддати ва ўкув дастури Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган, белгиланган нормалар ҳамда ”Ўзстандарт” агентлиги томонидан кўйилган талаблар асосида темир йўл транспортида юк ва йўловчи ташиш хавсизлиги жараёни билан боғлиқ ходимлар учун 72 соатни, машинистлар ва машинист ёрдамчилари учун 144 соатни ташкил этади.
- 1.5. Малака ошириш курсини тўлиқ тамомлагандан сўнг, имтиҳондан мувоффакиятли ўтган ва курс учун белгланган шартномадаги тўловни тўлаган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади.
- 1.6. Ўкув курси Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 31-мавзе “Диёрабод” махаласида жойлашган “Ижрочи” биносида ўтказилади.
- 1.7. Малака ошириш курси муддати 2022 йил “ ” дан “31” 1d гача ташкил этади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

- 2.1. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:
- 2.1.1. 2022 йилларда “Буюртмачи”нинг темир йўл транспорти ходимларини малакасини ошириш бўйича ўкув курсининг иловага мувофиқ босқичма-босқич бажарилиши, ўкув режа, иш дастурлари, дарс жадвали ва бошқа норматив хужжатлар асосида олиб бориш.
- 2.1.2. Малака ошириш курси жараёни бошланиши хақида ўн кун ичida телефон, электрон почта ёки ёзма равишда хабар бериш;
- 2.1.3. Ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўкув режасига асосан тингловчиларни ўкув дарсларида иштирок этиши, “Ижрочи”нинг Устави, ички тартиб қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиш;
- 2.2. “Ижрочи”нинг хукуклари куйидагилардан иборат:
- 2.2.1. Малака ошириш ўкув курси жараёнида янги дастурларни, шу жумладан корхоналар темир йўл транспорти ходимларини малака ошириш самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи дастурларини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш, малака ошириш дастурларига буюртмачи билан келишган ҳолда ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш;
- 2.2.2. Малака ошириш курсига юборилган ходим сабабсиз дарсларга келмаган такдирда корхона ва ташкилотлар тамонидан тулангандар пуллар кайтариб берилмайди.
- 2.2.3. Куйидаги холларда ушбу шартномани бажаришдан бир томонлама воз кечиш: “Буюртмачи”

ушбу шартноманинг 3.1-бандида назарда тутилган малака ошириш ўкув курси учун тўловларни тўлаш муддатларини бажармаганлиги, ўқишга юбориш жадвалига риоя қилинмаганлиги сабабли ёзма билдиришнома юбориш йўли орқали ҳал этилади.

2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

2.3.1. Ушбу шартномани иловасига муовифик ўз ходимларини “Ижрочи” томонидан ташкил этиладиган малака ошириш курсларига юбориш ёки мазкур ўкув курсларида уларни иштирокини таъминлаш;

2.3.2. Шартноманинг иловасида кўрсатилган ходимларни малакасини ошириши тўғрисидаги жадвалига риоя қилиш;

2.3.3. Малака ошириш ўкув курсига юборган ходимларни хизмат сафари гувохномаси ва тўловлари амалдаги меҳнат қонунчилиги асосида амалга ошириш.

2.4. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари қуидагилардан иборат:

2.4.1. Малака ошириш ўкув жараёни бўйича “Ижрочи”нинг ходимларига мурожаат қилиш;

2.4.2. Малака ошириш курсларига юборилган ходимларнинг кўникма ва малакаларини баҳолаш ҳамда уларнинг малакасини баҳолаш мезонлари бўйича тўлиқ маълумотларни олиш;

2.4.3. Алоҳида тузилган шартномалар асосида ўкув дастурига киритилмаган қўшимча таълим хизматларидан фойдаланиш.

3. Малака ошириш ўкув курсининг қиймати ва тўлов тартиби

3.1 Малака ошириш ўкув курсининг қиймати:

1-жадвал

№ пп	Хизмат номи	Мутахассислиги бўйича	Ўлчов бирлиг и	Тингл овчи ар сони	Малака oshiриш қиймати бир тингловчига	Миқдори (сумма)
1	Корхоналар темир йўл транспорти ходимларининг малака ошириш ўкув курси (72 соатлик)	Темир йўл транспортида ташишларни ташкил этиш ва бошқариш	киши	6	1161600,00	<i>6 969.600</i>
		Вагонлар ва вагон хўжалиги ҳаракат таркибига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	киши	11	1161600,00	<i>12 777.600</i>
		Йўл ва йўл хўжалиги қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ва	киши	23	1161600,00	<i>26 416.800</i>
		Темир йўл транспортида сигнализация, марказлаштириш, блокировка ва алока қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ва	киши		1161600,00	
		Темир йўл транспорти раҳбар ходимлари (депо, темир йўл бекатлари, транспорт цехлари, йўл участкалари бошлиқлари) томонидан ҳаракат хавфсизлиги, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва	киши		1161600,00	
		Темир йўл транспортида электр энергетика ва электр таъминоти тизимларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	киши		1161600,00	
2	Корхоналар темир йўл транспорти ходимларининг малака ошириш ўкув курси (144 соатлик)	Тепловоз машинистлари	киши		1 419572,00	
		Локомотив(тепловоз) машинисти ёрдамчиси	киши		1 419572,00	
		Локомотив(электровоз) Машинисти ва машинист ёрдамчиси	киши		1 419572,00	
ЖАМИ				40		<i>46 464.000</i>

Шартноманинг умумий қиймати *биржаде мениншо турт яз*
демисиз турт менинш сўмни ташкил этади.

- 3.2.** Мазкур Шартнома ўрнатилган тартибда имзолангандан 3 (уч) кун муддатида Буюртмачи “Ижрочи”нинг хисоб рақамига шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган сумманинг 50% миқдорида олдиндан тўлов ўтказилишни таъминлайди.
- 3.3.** Бажарилган ишлар ва хизматлар учун тўловнинг қолган қисми “Ижрочи” томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар тўғрисида далолатнома ва хисоб варак тақдим қилингандан кейин 3 (уч) кун муддатда “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади.
- 3.4.** Томонларнинг келишувига асосан тингловчилар сонидан келиб чиқиб шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган сумма тўлови тўлиқ қиймати олдиндан ўтказиб берилиши мумкин.
- 3.5.** Шартнома амал қилиш муддати давомида янги тарифлар жорий этилиши муносабати билан “Ижрочи” томонидан нархнома ёки билдиришнома тақдим этилиб қўшимча келишув тузилгандаги шартнома қиймати ўзгартирилиши мумкин. Шартноманинг 3.6-бандидаги холат бундан мустасно.
- 3.6.** Малака ошириш ўкув курси учун умумий тўлов суммасининг камида 50% миқдорида олдиндан тўлов ўтказилгандан сўнг белгиланган нарх оширилишига йўл қўйилмайди

4. Кўшимча ўзаро молиявий - ҳуқуқий мажбуриятлар

- 4.1.** “Ижрочи” томонидан малака ошириш ўкув жараёни шартноманинг 2.1-бандига асосан таъминланмаган тақдирда, барча шартнома шартларига асосан келиб тушган тўлов суммасини 3 (уч) кун ичida “Буюртмачи”га қайтариш мажбуриятини олади.
- 4.2.** Шартномада кўрсатилган хизматлар кўрсатилмагандаги ёки ушбу шартноманинг 2.1-бандидаги муддатлар бузилган тақдирда “Ижрочи” “Буюртмачи”га хизмат кўрсатмаган ҳолларда, “Ижрочи” “Буюртмачи”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50% фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
- 4.3.** Кўрсатилган хизматлар учун тўлов вақтида амалга оширилмаган тақдирда ёки “Ижрочи” билан келишилган жадвал асосида тингловчиларни ўқишга юборилиши таъминланмаса, “Буюртмачи” “Ижрочи”га мажбуриятлар бажарилмагани учун ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми қийматининг 0,4% миқдорида, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар харажатининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 4.4.** Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди

5. Кўрсатилган хизматларни топшириш ва қабул қилиш

- 5.1.** Малака ошириш бўйича ўқиш жараёни тугагандан сўнг “Ижрочи” “Буюртмачи”га уч иш куни ичida “Буюртмачи” имзолаши лозим бўлган бажарилган ишлар далолатномаси ва кўрсатилган таълим хизматлари учун хисоб варак-фактурани тақдим этади.

6. Форс –мажор

- 6.1.** Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибатида бўлса жавобгарлиқдан озод қилинади.
- 6.2.** Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи томон бошқа томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичida ёзма шаклда ҳабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичida ҳабар бермаган томон мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарлиқдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қўмирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.
- 6.3.** Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса томонлар мазкур шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

7. Алоҳида қоидалар (шартлар)

- 7.1.** Тингловчи узрли сабабларга кўра (*малумотномага асосан*) ўқишга келмаса шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган шартларга асосан “Ижрочи” “Буюртмачи”га уч кун ичida тўланган

маблағларни қайтаради.

7.2. Агар тингловчи бирон сабабсиз ўқиши жараёнига қатнашмаса, ўқитиш учун тўланган маблағлар “Буюртмачи”га қайтарилемайди.

7.3. Шартнома шартлари уни тузишда иштирок этувчи тарафларнинг келишуви ва фақат кўшимча битим тузиш йўли билан ёзма равиша ўзгартирилиши мумкин.

7.4. Мазкур шартнома шартларини бажариш юзасидан келиб чиқкан барча низолар ўзаро музокаролар олиб бориш ва келишув йўли билан ҳал этилади.

7.5. Агар томонлар мазкур низоларни музокара олиб бориш ва келишув йўли билан ҳал қила олмаган тақдирда низолар Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси ФК, ФПК, ИПК, ва Тошкент туманлараро суди тартибда ҳал қилинади.

8. Коррупцияга қарши кураш қоидалари

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида Томонлар амалдаги қонунчилик шу жумладан коррупцияга қарши курашиш талабларига риоя этилишини таъминлайдилар.

Бунда улар ва уларнинг ҳодимлари, филиаллари, бенефициарлари ва ушбу Шартномани бажаришда иштирок этадиган агентлар бизнес шериклари, воситачилар, пудратчилар, пора бериш ёки олиш, тижорат пора олиш сифатидаги харакатларни (харакатсизлиги) амалга оширмасликларини таъминлаш, пора беришда воситачилик, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳодимининг ёки бошқа шахсларнинг пора олиши ва ушбу Шартнома ва коррупцияга қарши курашиш ва жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши қўлланиладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳукукбузарликларга йўл қўймасликни кафолатлади.

8.2. Томонлар бевосита ёки билвосита, шаҳсан ёки учинчи шахслар орқали таклифлар, ваъдалар, бериш, товламачилик, сўровлар, пул ва бошқа қимматбаҳо буюмлар, мулк, мулк ҳукуки ва бошка моддий ёки моддий бўлмаган фойдаларни олиш ва олишга розилик бериш ҳамда асоссиз устунликка эришиш ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш, шу жумладан Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва ошкоралиги тамойилларига мос келмайдиган мақсадларга эришиш ҳамда хар қандай шахслардан уларга таъсир ўтказишдан бош тортадилар. Томонлар қайд этилган харакатларнинг олдини олиш чораларини кўришни кафолатладилар.

8.3. Мазкур Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш қоидаларини бажариш доирасида, ушбу Шартномани Томонлар қонун бузилишида гумонларнинг пайдо бўлиши ёки Томонлар, уларнинг ҳодимлари, аффиланган шахслари, бенефициарлари ва улар томонидан жалб қилинган шахслар томонидан бузилиш эҳтимоли борлиги тўғрисида бир-бирларини ёзма равиша (шу жумладан корпоратив электрон почтадан фойдаланган ҳолда) очик ва дархол хабардор килишни ўз зиммаларига олишади.

Шунинdek, агар Томонлардан бири амалдаги қонун ёки ушбу Шартноманинг ҳар қандай коррупцияга қарши курашиш қоидаларини бошқа Томон, унинг ҳодимлари, аффиланган шахслари, бенефициарлари ёки улар томонидан жалб қилинган шахслар томонидан бузилганлиги тўғрисида асосли шубҳа туғдирса, Ушбу Шартномани амалга ошириш доирасида ушбу Томон унга сўров олинган кундан бошлаб 10 (үн) иш куни ичida шархлар ва бузилиш фактини рад қилувчи ёки тасдиқловчи маълумотлар, ҳужжатлар тақдим этиш талаби билан ёзма равиша сўров юборишига ҳақлидир.

8.4. Мазкур бобда кўрсатилган асослар бўйича ушбу Шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган Томон кейинги томонидан етказилган зарарни қоплаш ушбу Шартноманинг 4.2. ва 4.3-бандларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган Томон ушбу Шартномани белгиланган бир томонлама бекор қилиш туфайли зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

9. Шартномани муддати ва ўзгартириш тартиби.

9.1. Шартнома тарафлар томонидан белгиланган муддатга амал қиласди ва бир томонлама бекор қилинмайди.

9.2. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қиласди.

10. Якуний қоидалар

10.1. Ушбу шартнома ўзбек тилида, икки нусхада бир хил кучга эга бўлиб, ҳар бир томон учун бир нусхадан тузилди.

11. Томонларининг юридик манзиллари ва реквизитлари:

«ИЖРОЧИ»

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирилиги МОҚТ маркази
Тошкент ш., Учтепа туман
Алгоритм-31мавзеси, Диёробод м.
ИНН 305212278 ОКЭД 85590
Р/с: 20212000900832403001
АК «УНИВЕРСАЛБАНК» Тошкент бўлими
МФО 00996
Рег.код поставщика НДС 326010040292

E-mail: mintrans@sppk.uz Sayt: www.sppk.uz

Тел:+99897-407-34-34 +99897-407-35-35
Faks: +99871-270-36-61



Директор:

Норкулов С.Т.

КЕЛИШИЛГАН:

Директор ўринбосарлари:

Абдурахмонов И.Т.

Тошибеев А. Ж.

Юрист:

Худайберганов К.К.

Бош бухгалтер:

Каттаев З.Т.

«БУЮРТМАЧИ»

„Махам - Сирғисиг“ А.М
111408 Чирчиқ шаҳар
Тошкент тумани, 2 чи
х/р 2021 0008 1001 2257 3001
АК үзсиз 145 МФО: 00863
н/н: 200 941 518
ОК ЭД: 20151

Башбарув расиминиң
бизнишвие ўринбосарларине
бизнишвие ўринбосарларине
бизнишвие ўринбосарларине
бизнишвие ўринбосарларине



Р.ж. Узаков